1920 йил декабр охирларида машхур муаллим ва мухаррирларимиздан Шокирхоний ўрток дунёдан ўтди. Бу киши ўзининг калами билан танилган бир кишидир. Бу кишининг шеърлари Оренбургда чикадиргон «Шўро» мажалласида ва Туркистон газеталарида босилар эди.
Инкилобдан бурун Фаргонада муаллимлик килгон, инкилоб бошларинда ўзининг маколалари билан Фаргона газеталарини безаган. «Ким кози бўлсун?» деган асарини шунда ёзгон. Хукумат ишчилар кўлига ўтгандан кейин Самаркандга келиб мехнаткашлар газетасига мухаррирлик килиб, ёзгон маколалари билан халкни ўзига жалб килгон. Шу чогларда «Сўсиёлизм нимадир?» деган асарини ёзгон. Курамаларда ва дорулмуаллиминда муаллимлик килгон. «Турк тилининг усули таълими» деган китобини ёзгон. Аскарлик вактинда сил касалига йўлукгон. Бора-бора шу касали кучайиб, иш килолмас даражага келиб, Дизахга боргон ва Дизах касалхонасида уч ой чамаси ётгондан кейин дунёдан ўтган.
Шокирали Мухторийнинг хизматлари гоят такдирдир. Ўз касалининг ёйилгонига карамасдан кеча-кундуз ишлади, тиришди, ўзининг ахлидан бир неча йил бурун ўлишга сабаб бўлди. Шокирали Мухторий оддий бир мухаррир, анчайин бир муаллим эди. Лекин бизга — корни билан юрагини айира олмайтургон туркистонлиларга — фаркли бир киши эди.
У ўлгач уни ўрнига колатургон бир муаллим, у кетгач, ўрнини босатургон бир мухаррир колмаслиги учун топилмас бир киши эди.
Ай буюк ишчи! Тинч ёт саганангда, сенинг килгон хизматларинг эсдан чикмас, сенинг чеккан захматларинг унутилмас. Сен ўз бўйнингга юкланган вазифангни адо килдинг. Кошки сендек кишиларимиз бир неча бўлса эди. Ўзининг кейин колгон халки учун умридан кечатургон кишилар кошки топилса эди. У вакт сенинг тутган йўлинг очикрок бўлар эди. Тикилган юлдузингга тезрок етишар эдик. Хар холда сен шухратлисан.

**Макола «Мехнаткашлар товуши» газетасининг 1921 йил 12 феврал сонида босилган.**